O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 3 март №44 (3318) Чоршанба

*Меҳр билан юрт яшнайди*

*Мамлакатимизда Меҳр ва мурувват йили муносабати билан махсус Давлат дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Ушбу Дастурда йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларнинг яхлит мажмуаси белгилаб берилган.*

## ФАРЗАНД ТАБАССУМИ

### ёки «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг эзгу ишлари ҳақида

Дастурда, жумладан, давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг меҳр ва мурувват йўналиши бўйича фаолият ва масъулиятини кучайтириш вазифаси қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилингач, уни барча ташкилотлар ва корхонлар қаторида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси жамоатчилиги ҳам чуқур диққат-эътибор билан ўрганди ва шу қарор асосида ўз фаолиятини кўриб чиқди.

Гапнинг сирасини айтганда, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси шу пайтга қадар ҳам халқ манфаатини ўйлаб, давлатимиз томонидан қабул қилиб келинаётган дастурлар ва соғлом авлодни вояга етказиш, оналар ва болаларни соғломлаштириш бўйича ҳукуматимиз қарорларига асосланган ҳолда фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай фаолиятнинг негизида инсонга, юртдошларимизга меҳр-мурувват ҳис-туйғулари ётади. Жумладан, ўтган «Обод маҳалла йили»да мамлакатнинг олис чекка ҳудудларида яшовчи 30 минг 447 та оила тиббий-ижтимоий патронаж бригадалари томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди. Шу оилалардан даволанишга муҳтож бўлган кишилар жамғарма ҳисобидан профилактик клиникаларга жойлаштирилди ва уларга хайрия ёрдамлари — санитария-гигиена воситалари, дори-дармонлар топширилди. Шунингдек, ўтган йили жойларда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари вакиллари билан ҳамкорликда СПИД ва гиёҳвандликка қарши кураш ҳамда соғлом турмуш тарзини таъминлаш масалалари бўйича суҳбатлар, семинарлар ташкил этилди.





Жамғарма хайрия, меҳр-мурувват мақсадларига қаратилган фаолиятини янада кучайтиришда чет эл халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликни муҳим омиллардан бири, деб билади.

Масалан, ўтган 2003 йилда жамғармага АҚШнинг «Ameyi Cayes» хайрия ташкилотидан 11 миллион 760 минг АҚШ доллари миқдоридаги хайрия ёрдами келди. Шу хайрия ёрдам захирасидаги витаминлар, дорилар, санитария-гигиена воситалари республикамиздаги ихтисослашган тиббий, аёллар ва болаларни соғломлаштириш муассасаларига тақсимлаб берилди.

Жамғарманинг Германия халқаро хайрия ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳам яхши самаралар бермоқда. Жумладан, ўтган йили республиканинг турли вилоятлари, туманларидан бўлган 20 нафар оғир бемор болалар Германиянинг энг яхши клиникаларида жарроҳлик ёрдамида соғломлаштирилди. Меҳр ва мурувват йилининг бошланишида Германияга яна 8 нафар ўзбекистонлик жиддий тиббий ёрдамга муҳтож бола даволанишга жўнатилди. Германиянинг «Пис виллаж Интернешнл» халқаро

(Давоми 2-бетда).

*Сиз суратда кўриб турган кошона — Марҳамат тумани марказида жойлашган Қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежидир. Коллеж нафақат ташқи кўриниши, айни пайтда ички жиҳозлари билан ҳам кишини маҳлиё этади.*





*Бу ерда кўркам хиёбонлар, кенг ва баҳаво компьютер ҳамда лингафон заллари, бой замонавий кутубхона, йирик спорт мажмуаси, стадион, ошхона ва тиббий хизмат хоналари — ёшлар хизматида.*

*Коллежда туманнинг 900 дан ортиқ ёшлари 10 та йўналишдаги касб-ҳунарларни ўзлаштирмоқдалар. Улар ҳадемай бу даргоҳдан қурилиш-пардозлаш, автомобиль ва йўл қурилиши, сунъий иншоотлар ва аэродромлар қурилиши мутахассислари ҳамда қурилиш, коммунал хизмат соҳаларининг ҳисобчилари бўлиб етишиб, ҳаётга йўлланма оладилар. Ҳаётимизда эса уларнинг касбига, ҳунарига эҳтиёж етарли.*

**СУРАТЛАРДА: коллежнинг умумий кўриниши; ҳисобчилик бўлимининг аълочи ўқувчиларидан Шоҳсанам Бобоева.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

**Ҳурматли Президент жаноби олийлари,**

НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг 10 йиллиги муносабати билан менга йўллаган илтифотли мактубингиз учун Сизга ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

«Тинчлик йўлида ҳамкорлик»нинг шерик мамлакатлар ва НАТО ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожига ҳиссаси тўғрисидаги Сизнинг қарашингизга тўла қўшиламан.

Ўз хизмат вазифаларимни адо этишга киришар эканман, Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» доирасидаги муносабатлар кўплаб соҳаларни қамраб олаётганини мамнуният билан қайд этаман.

Бугунги кунда яратилаётган янги механизмлар Ўзбекистон учун катта аҳамият касб этади. Шерикликнинг индивидуал иш режаси Тақдимот ҳужжати лойиҳасининг Ўзбекистон томонидан жадал тайёрланаётганини билиш менга мамнуният бахш этди. Таъкидлашни истардимки, НАТО Халқаро котибияти Ўзбекистон томонига ҳар қачонгидек кўмаклашишга тайёр ва мен НАТО ҳузуридаги Ўзбекистон миссияси билан яқин алоқаларни келгусида ҳам мустаҳкамлашни ўз ходимларимга юклатдим.

НАТОга аъзо ва шерик мамлакатлар ва хусусан, Ўзбекистон Афғонистон борасида муштарак мақсадларни кўзлайди. Афғонистоннинг барқарор хавфсизлиги ва демократик ривожини таъминлаш бизнинг олий ва устувор интилишимиздир. Шу мақсадларга эришиш йўлида мен, хусусан, Хавфсизликни таъминлаш халқаро кучлари (ISAF) учун хавфсиз коммуникация тармоқларини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон таклиф этган мадад учун ўз миннатдорлигимни изҳор этишни истайман. Мазкур масаланинг март ойи бошида Тошкентда Ўзбекистон ва НАТО мутахассислари ўртасидаги муҳокамасининг тезкор муддатда якунланиши НАТОнинг Афғонистондаги муштарак саъй-ҳаракатларига ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Жорий йилнинг июнида Истанбулда бўлиб ўтадиган саммитда Сиз билан учрашишни интиқлик билан кутиб қоламан.

**Камоли эҳтиром ила,**

**Яап де Хооп СХЕФФЕР,**
**НАТО Бош котиби.**

## Ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик

***Тошкент (ЎзА мухбири Х.САЛИМОВ).***
*Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан маълум қилишларича, Италия Мудофаа вазирлиги ҳарбий-техник ҳамкорлик битими доирасида мамлакатимиз Қуролли Кучларига "LANCIA ACL-75" русумли 50 та юк автомобили етказиб берди.*

Икки мамлакатнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлигига Италия Мудофаа вазирлигининг ҳарбий-стратегик тадқиқотлар маркази директори, генерал-майор О.Кукузанинг 1998 йилнинг майида республикамизга ташрифи чоғида асос солинган эди. Ташриф асносида минтақавий хавфсизлик масалалари ва ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама этилганди.

2002 йилнинг кузида эса Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги делегацияси Италияга ташриф буюрди. Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари ва уни амалга татбиқ этиш бўйича фикр алмашди.

Айни пайтда Ўзбекистон Қуролли Кучлари вакиллари Италия армияси ўқув юртларида таълим олмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси базасида Италияга ўқишга юбориладиган офицерлар учун ушбу мамлакат тилини ўрганиш курслари ташкил этилган.

Автомобилларни қабул қилиш ва топшириш маросимида сўзга чиққан Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анжело Персиани мамлакатларимизнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги истиқболига юқори баҳо берди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг халқаро алоқалар бўйича ўринбосари Р.Ниёзов италиялик ҳамкасбларига Ўзбекистон армиясини техник жиҳозлашда бераётган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этди ва ҳарбий идораларнинг ҳамкорлиги келгусида ҳам муваффақиятли ривожланишига ишонч билдирди.

*Ўтган йили Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув пахта тозалаш заводи 18 минг 970 тонна пахта қабул қилиб олган эди.*

## ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

— Яқинда заводимиз Қорасув-Швейцария қўшма корхонасига айлантирилди, — дейди корхона раҳбари Ўрозали Жўраев. — Ҳамкорларимиз 200 миллион сўм сармоя киритди. Ўтган йилни 48 миллион сўм соф фойда билан якунладик.

Корхонада қисқа вақт мобайнида замонавий пахта қуритиш ва тозалаш, чигитни туксизлантириш цехлари, барча талабларга жавоб бера оладиган тарозихона ишга туширилди.

Бу ишни енгиллатиш билан бир қаторда тола сифатини яхшилаш ва электр энергияси сарфини тенг ярмига қисқартириш имконини бериб, экспорт ҳажмининг ошишида муҳим омил бўлмоқда.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ДЎСТЛИККА БАҒИШЛАНГАН ФЕСТИВАЛЬ

***ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Беҳбуд БОТИРОВ).*** Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида Ҳиндистон билан дўстона алоқаларга бағишланган фестиваль бўлиб ўтди. Тадбир Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Мазкур университетнинг ҳинд тили бўлимида юзлаб талабалар таҳсил олади. Улар орасидан кўплаб ёшлар Ҳиндистонда бўлиб, турли фанлар соҳасида малака ошириб қайтди.

— Ўзбек ёшларининг Ҳиндистон тарихи ва маданиятига қизиқиши катта, — деди Тошкентдаги Ҳиндистон маданият маркази директори Жозеф Лобо. — Ҳозир Ўзбекистоннинг ўнга яқин олий ўқув юрти, уч мактаб ва касб-ҳунар коллежи талаба-ёшлари ҳинд тилини қунт билан ўрганмоқда. Айни пайтда Ҳиндистон аҳлида ҳам Ўзбекистон ҳаётига катта қизиқиш бор. Бундай интилиш мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишида муҳим омил бўлмоқда.

Пойтахтимизда



## Тақдимот маросими

Кеча «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказида «Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари» Ўзбекистон гуманитар журнали янги сонининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Маълумки, ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этиладиган ушбу журнал 1998 йилдан буён чиқади. У илмий-ахборот нашри ҳисобланиб, ҳар бир сони жамият ҳаётидаги муҳим қирраларни таҳлил қилиши билан ажралиб туради. Масалан, журнал 2001 йили Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Комиссияси фаолиятини, 2002 йилда дин ва жамиятнинг ўзаро муносабатларига оид масалаларни ёритган эди.

Журналнинг «Ижтимоий фикр» маркази ва Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Миллий марказ муассислигида чоп этилган янги сони гендер тенглик масалаларига бағишланган. Ундаги мақолалар мавзуси жиҳатдан жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеи билан боғлиқ назарий, ҳаётий масалаларни, бу борадаги ютуқ ва муаммоларни қамраб олган.

Тақдимотда сўзга чиққанлар эркин фуқаролик жамиятида хотин-қизлар фаоллигининг муҳимлиги ҳақида гапириб, бир қўлида оналик, иккинчи қўлида турмуш юкини кўтараётган аёллар меҳнати ва ҳаётининг улуғланиши 8 Март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида улар учун катта совға бўлганлигини таъкидладилар.

**Х. ЭШМАНОВ.**

Жойлардан хабарлар

## «Адолат» — қонунлар билимдони

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бахмал тумани бўлимида уюштирилаётган оммавий тадбирлар орасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови, айниқса, йигит-қизларнинг эътиборини қозонди. Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад республикамизда амалдаги қонунларнинг моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилишдан иборатдир.**

**Танловда Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи «Адолат» жамоаси ғолиб бўлди.**

**Жамоага туман ҳокимлиги, ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.**

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**2005 йил охирига бориб Қашқадарё вилоятида 10430 та янги кичик корхона ва микрофирма ташкил этилиб, 45,9 минг янги иш ўрни яратилади.**

## Кичик бизнесга — кенг йўл

**Шу мақсадда вилоятда 2004-2005 йилларда кичик бизнесни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди.**

**Дастурда кичик бизнеснинг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2004 йилда 37,5, 2005 йилда эса 38,5 фоизга етказиш кўзда тутилган.**

**Дастур тузилгани яхши. Гап энди уни амалга оширишда.**

**Н. РАВШАНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

"Халқ сўзи" назоратида



## Автомашиналар қатнови таъминланди

Газетамизнинг шу йил 3 январь сонида андижонлик Барно Абдуллаеванинг шикоят хати асосида "Тез ёрдам" ҳам боролмайди" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Марҳамат тумани, "Юқори ровот" маҳалласидаги газ ва сув таъминотидаги камчиликлар, носоз йўллар ҳақида танқидий фикрлар билдирилган эди.

Яқинда мазкур хат юзасидан Марҳамат тумани ҳокими К.МАДРАҲИМОВ имзоси билан таҳририятга расмий жавоб келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

*"Ҳақиқатан ҳам, маҳалла кўчалари қишлоқ хўжалик экинлари майдонига яқинлиги сабабли бу ерда ҳамиша лойгарчилик бўлиб, у енгил автомобиллар қатновини қийинлаштирган. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан "Машъал" ширкат хўжалиги, тумандаги 4-автокорхона ҳиссадорлик жамияти, туман автомобиль йўллари бошқармаси техникалари жалб қилиниб, кўчага шағал ётқизилган ва автомашиналарнинг бемалол қатнови таъминланган.*

*Туман ҳокимлиги туман ҳудудидаги бошқа ширкат хўжаликларида шундай кўчаларни шағаллашни ташкил этиб, бу борадаги амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг бажарилишини доимий назоратга олган".*

## «Ўзбекистон: қурилиш ҳафталиги»





Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон қурилиш ҳафталиги — 2004» деб номланган халқаро кўргазма ўз ишини бошлади. Эътиборли томони шундаки, ушбу тадбир доирасида илк маротаба «Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари» мавзуидаги кўргазма ҳам ўтказилаётир.

— Компаниямиз ўз фаолияти давомида йигирмадан зиёд ихтисослаштирилган кўргазмалар ташкил этди, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири — «Itesa-Osiyo» компаниясининг Ўзбекистондаги раҳбари Нигора Ҳасанова. — Илк ташкил этилган кўргазмада бор-йўғи олтита компания қатнашган бўлса, бугун улар сони 80 тага етди. Иштирокчиларнинг олтмиш фоизи хорижий компаниялардир.

Улар орасида Ҳамдўстлик мамлакатларидан ташқари Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Италия сингари йирик давлатларнинг қурилиш компаниялари бор.

Эътироф этиш керакки, «Itesa-Osiyo» компанияси жорий йилда ўн битта кўргазма ўтказишни режалаштирган бўлиб, улар «Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари», «Полиграфия, реклама ваноширлик», «Маиший техника ва электроника» деб номланади.

Британиянинг ITE JV Ltd халқаро кўргазма компанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори — «Itesa-Osiyo» тадбир ташкилотчилари бўлишди.

**М ХОЛМАТОВА.**

**СУРАТДА: кўргазмадан лавҳалар.**

**Р. ГАЛИЕВ олган сурат.**

## «Деск-инвест» жаҳон бозорига чиқади

Мамлакатимизда томёпқич маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналар талайгина. Улар орасида Ўзбекистон-Австрия ҳамкорлиги меваси бўлиб дунёга келган "Деск-инвест"нинг алоҳида ўрни бор. Ташкил этилганига эндигина саккиз ой бўлаётган ушбу корхона маҳсулотлари маҳаллий бозорда ўз ўрнини топди. Финляндиядан келтирилган ускуналар ёрдамида бу ерда ойига 220-250 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилаётир.

Яқин ойлар ичида "Деск-инвест" ўз маҳсулотларини хорижга ҳам жўната бошлайди. Шу мақсадда маркетинг ишлари олиб борилаётир.

**Ўз мухбиримиз.**

*Шахсий мулоҳаза*

# АВВАЛ МОҲИЯТ

## ёхуд давлат бошқарувини янада такомиллаштиришда маъмурий ислоҳотларнинг аҳамияти

*Маъмурий ислоҳот, яъни давлат бошқарув тизимини ислоҳ қилиш бугун кўплаб мамлакатлар учун долзарб масалалардан биридир. Рўй бераётган йирик ижтимоий ўзгаришлар — глобаллашув жараёнининг кучайиши ҳамда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши маъмурий ислоҳотларни ўтказишга сабаб бўлаётган дастлабки омил, десак, янглишмаймиз. Бироқ шуни ёдда тутиш кераккки, бу ҳодисанинг объектив сабаблари қанчалар кўп ва хўп бўлмасин, унинг аниқ маъно-мазмунини, туб моҳиятини тушуниб етмасдан ислоҳотлар ўтказишдан фойда йўқ. Ўзгаришлар, энг аввало, жойлардаги мутасадди раҳбарлар онгида содир бўлиши даркор. Шунинг учун ҳам маъмурий ислоҳотларнинг муҳим натижаларидан бири — бу ушбу жараён қанчалар аҳамиятли эканлигини аниқ-тиниқ англашдан иборат.*

Ўзбекистон Республикасининг ривожланишини таъминловчи ислоҳотларнинг кейинги босқичларида давлат бошқарувини такомиллаштириш борасидаги вазифалар қаторида уни нафақат функционал ва тузилмали янгилаш масалалари, балки ташкилий-техник жиҳатдан тубдан ўзгартириш зарурати ётади. Бунда бошқарув тизимининг янги андозаларини ишлаб чиқиш, замонавий информацион тизимлардан фойдаланиш тақозо этилади.

Ҳар қандай бошқарув фаолиятини амалга ошириш меҳнатни ташкил қилишнинг илмий-амалий услубларига таянган ҳолда, олдига қўйилган вазифаларни тадқиқ қилиш йўли билан бошланса, фикримча, кўзланган мақсадга имкон қадар тезроқ эришилади. Давлат бошқаруви самарадорлигини ҳам фаолият предмети ўзгариши ва бўғиндаги бўйсиниш таъсирларининг камайиши ҳисобига, ҳам ҳукумат хизматларига бўлган харажатларнинг қисқартирилиши ва уларнинг сифат жиҳатидан яхшиланиши эвазига кескин кўтарилиш имкониятлари яратилади.

Ўзбекистон Республикаси сиёсий-ҳуқуқий тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш шароитида давлат бошқаруви аппарати ваколатларини қисқартиришдаги асосий интилишнинг ва мойилликнинг ўзига хослиги ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик вазиятларнинг самарали ечимини топишда муҳим роль ўйнайди. Ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида қонунчилик ва ҳуқуқнинг ижтимоий бошқарувнинг бошқа шаклларига нисбатан устунлиги эътироф қилинган шароитда бошқарув шакли ҳуқуқий мустақил фаолият олиб бориши зарур.

Давлатнинг иқтисодиётга маъмурий таъсир ўтказиши ҳаддан зиёд кучайиб кетишининг олдини олиш заруратидан келиб чиқиб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис сессиясидаги маърузасида иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини тубдан ўзгартириш масаласини алоҳида қайд этган эди. "Иқтисодиётни бошқаришнинг асосий усули давлат органларининг бошқарувчилик фаолияти эмас, аксинча, қонун бўлиб қолмоқда. Давлатнинг бош вазифаси иқтисодий ишлаб чиқариш, ижтимоий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўз маромида ишлаши учун зарур шароит яратиб беришдан иборат".

Давлат бошқаруви аппаратини ислоҳ қилиш эса бир қадар ўзгача характерга эга. Шу ўринда, бугунги кунда давлат бошқаруви тизимини эркинлаштириш усули нимага асосланган, деган савол туғилиши табиий. Авваламбор, бу усул ислоҳ қилинаётган тузилмаларни институтлаштириш жараёнини ҳуқуқий тартибга солишга асослангандир. Бироқ, бизнинг назаримизда, давлат бошқаруви тизимидаги ўзгаришларнинг мезони сифатида кўрилаётган асосий масала кўпинча бошқарув аппарати фаолиятининг самарадорлигини ошириш муаммолари билан, аниқроғи, ислоҳ қилинаётган тузилмалар фаолияти учун қулай шароит яратиш билан қуйи бўғин фаолиятини фақатгина мувофиқлаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Одатда, қайта ташкил этиш масалаларига нисбатан ёндашувда, хоҳ у соҳа бошқаруви бўлсин, хоҳ функционал орган бўлсин, асосий масала маблағ билан таъминлашга тақалади. Бошқача айтганда, афсуски, туб ўзгаришларнинг мақсади у ёки бу бюджет ташкилотларининг штатларини қисқартириш, алоҳида таркибий қисмларни тугатиш ва ҳоказолар деб тушунилади. Бугун ҳар бир жонкуяр раҳбар, энг аввало, давлатнинг мустақил фаолият билан боғлиқ тасаввурини тамомила ўзгартириши зарур. Бу жараёнда ўз аҳамиятига кўра бошқарув органларига нисбатан бирламчи хусусиятга эга бўлган давлат бошқаруви аппарати вазифаларини такомиллаштириш асосида қайта кўриб чиқиш масаласи ўзгаришларнинг асосий мезони бўлмоғи зарур.

Шу ўринда қайд қилиш керакки, ислоҳотлар шароитида бошқарув тизимини тадқиқ қилиш вазифаси алоҳида аҳамият касб этади. Бошқарувнинг янги шакл ва услубларини излаш нафақат бошқарув аппаратининг самарали фаолияти талабларига жавоб бериши, балки танланган бошқарув шаклининг хизмат қилиши лозим бўлган муҳитга ва бошқарув соҳасига мос келиши ҳам зарурлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу йўналишларнинг асоси Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви аппарати тизимлари ва уларнинг функционал вазифалари билан боғлиқ муаммоларга, уларнинг энг мақбул ечимларига қаратилгандир.

Давлат бошқарувини оптималлаштиришга қаратилган ислоҳотлар деярли ҳар бир давлатда доимий олиб борилмоқда. Ўзбекистонда ҳам давлат бошқаруви тизимини ислоҳ этиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу борада Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг жорий қилиниши давлатнинг янги роли нуқтаи назари асосида ислоҳотларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

*Биринчидан,* бошқарув тизимини оптималлаштириш, яъни давлатнинг жамоа ва хусусий сектор уддалай оладиган ваколатлардан, шунингдек, бозор механизми фаолиятига монелик қилувчи бошқарув усулларидан воз кечиши;

*Иккинчидан,* давлат фаолияти, унинг таркибий тузилмалари ва айрим мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоат назоратини кучайтириш. Ушбу вазифанинг долзарблиги фақат демократия ҳақидаги чақириқларнинг кучайиши эмас, балки "самарали фаолият юритувчи давлат"ни шакллантириш вазифаси билан боғлиқ.

*Учинчидан,* ҳукуматдаги ҳар бир тузилма ва мансабдор шахслар фаолият доирасини аниқ белгилаш, бир-бирини такрорлашга йўл қўймаслик, яъни давлатнинг асосий вазифаларини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқишдан иборат бўлиб, айнан мана шундай қоидалар бошқарув самарадорлиги билан бир қаторда унинг ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда давлат бошқаруви ислоҳотларининг асосий мақсади, биринчидан, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартириш, иккинчидан, бозор иқтисодиёти механизмининг самарали ишлаши учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб беришдир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш муҳимки, олий мақсад ёки юксак интилиш орқалигина миллий давлат бошқарувининг яхлит самарали тизимига эришиш мумкин. Шунда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаси сифатида мақсадга эришиш шаклининг янада жиддий моделини аниқлашга эҳтиёж туғилади. Унга кўра, миллий хусусиятларимизни ўз ичига олган ҳозирги замон глобаллашув жараёнларига ҳар томонлама жавоб берадиган беқиёс бошқарув тизимини жорий қилиш имкониятлари пайдо бўлади.

**Йўлдош ЖУМАЕВ,**
**тадқиқотчи.**

# ФАРЗАНД ТАБАССУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

хайрия ташкилоти «Соғлом авлод учун» жамғармасига 10 минг Евро миқдорида грант ажратди. Ушбу грант асосида жамғарма 1-Тошкент Давлат тиббиёт институти билан кам таъминланган оилаларнинг 140 нафар бемор болаларини даволаш бўйича шартнома тузди. Жамғарма шу институтнинг болалар стоматология жарроҳлиги бўлимига компьютер ва тиббий жиҳозлардан иборат хайрия ёрдамини ҳам топширди. Юқорида эсланган немисларнинг хайрия ташкилоти ёрдамида бу йил яна 100 нафардан кўпроқ бемор болаларнинг хорижий шифохоналарда даволаниши таъминланади.

Жамғарма ногирон болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида шифохоналар ва чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда Меҳр ва мурувват йилида «Она ва бола скрининги» дастурини кенг кўламда давом эттиради. Шу мақсадда давлат генетик регистрини ташкил этиш учун зарур бўлган тиббий ускуналар ва 750 минг АҚШ доллари миқдоридаги болаларбоп озуқалар ҳудудий скрининг марказларига ҳадя этилди. Шунингдек, скрининг ишлари сифатини юқори савияга кўтариш учун тиббий генетик мутахассисларни тайёрлаш бўйича махсус ўқув ташкил этилди.

Маълумки, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари ҳамда АҚШнинг «Проктер энд Гембл» компанияси билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларига бир қатор ўқув дастурларини совға қилди. Бу дастурлар ҳаётда ўз ижобий натижаларини бермоқда. Масалан, 1998 йилдан буён ҳозиргача республика умумтаълим мактаблари иккинчи синф ўқувчиларидан 400 минг нафари «Жозибадор табассум» ўқув дастури асосида оғиз бўшлиғи гигиенаси бўйича таълим олдилар. 108 мингдан ортиқ ўсмирлар ва қизлар «Балоғат даври» дарсларида қатнашди. 80 мингдан ортиқ аёллар «Ёш оналар мактаби»да чақалоқни парваришлаш бўйича билим олдилар. Натижалар анча самарали бўлганлиги сабабли мазкур ишларни 2008 йилгача давом эттириш режалаштирилди.

Ногирон болалар, «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари доимо жамғарма эътиборидадир. Жорий йилда жамғарма томонидан бундай болалар дори-дармон, кийим-кечак, санитария-гигиена воситалари билан таъминланибгина қолмай, шу билан бирга, уларга театр, концерт, кўргазма, цирк ва соғломлаштириш масканларига бепул йўлланмалар берилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш борасида ўз дастурларини амалга ошираётганлиги ҳам кўпчиликка маълум. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси билан ҳамкорликда истеъдодли болаларнинг «Камалак жилоси», «Ер куррасига — тинчлик», «Мафтункор ранглар олами» каби кўрик-танловларни ўтказиб келмоқда. Бу кўргазмаларда, биринчи ўринда, «Меҳрибонлик уйлари» тарбияланувчилари ва ногирон болалалар қатнашади. Энг истеъдодли болалар эса жамғарма ҳисобидан чет эллардаги тасвирий санъат бўйича «мастер-класс»ларга ўқишга юборилади. Бундай эътибордан меҳрга, мурувватга муҳтож истеъдодли болалар ниҳоятда хурсанд бўлмоқдалар.

Ушбу жамғарма республикада болалар спортини ривожлантириш ишига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти. Масалан, Жамғарма қошида Бадиий гимнастика маркази ташкил этилган ва унда спортнинг шу тури бўйича мураббийлар тайёрланади. Жамғарма республикада бадиий гимнастика спортининг изчил тарғиботчиларидан бўлиб келяпти. Шу бўйича республика ҳудудларида мусобақалар уюштирилмоқда, вилоятларда бадиий гимнастика тўгаралари ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, стол тенниси, енгил атлетика бўйича мусабақалар ташкил этилмоқда. Жамғарма «Меҳр ва мурувват йили»да бундай ташаббусларга янада кучли қанот бағишлашни режалаштирмоқда.

Жамғарма бир қатор янги дастурлар ва лойиҳалар устида ишламоқда. Улардан энг муҳими — Исроил давлатининг «Яд Сара» халқаро хайрия ташкилоти билан ҳамкорликда Марказий Осиёда ягона бўлган Ногиронлар учун реабилитация марказини ташкил этиш лойиҳасидир. Ҳозир бу лойиҳани амалга ошириш учун амалий ишлар бошлаб юборилди. Жамғарма АҚШнинг «Енграт» халқаро хайрия ташкилоти, Россиянинг «Россзарубежцентр» ваколатхонаси, Япониянинг JICA халқаро ҳамкорлик агентлиги, бошқа ташкилотлар ҳамда БМТ ваколатхоналари билан Меҳр ва мурувват йили тадбирларини амалга ошириш мақсадида фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Одамга, элга, юртга қилинган яхшиликларни қадрлаш ҳам бир яхшиликдир, дейди атоқли шоирларимиздан бири. Биз — «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг фаолиятини шу маънода қаламга олдик.

**М. САФАРОВ.**

*Нодавлат ташкилотларда*

*Тобора нуфузи ортиб бораётган нодавлат ташкилотлар қаторида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ҳам бор. Унинг Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси иш бошлаганига атиги бир йил бўлди. Бирлашма таркибида 12 мингдан ортиқ киши истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялашдек савобли ишга бел боғлаган.*

# Истеъмолчилар танлови

Нодавлат ташкилот савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши юзасидан мурожаатлар, ариза ва шикоятларни қабул қилади. Уларни чора кўриш учун тегишли жойларга йўллайди, натижасини назоратга олади. Лозим бўлса, хўжалик ва фуқаролик судларида истеъмолчилар ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Яқинда мазкур ҳудудий бирлашма Тошкент вилояти аҳолиси ўртасида маънавий-маърифий тадбир уюштирди. "Юксак маданиятли истеъмолчи" кўрик-танловини эълон қилди. Илк бор ўтказилган ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашдан иборат эди.

Қолаверса, у истеъмолчилар орасидан ўз ҳуқуқларини яхши билган, нопок тадбиркорлар ҳийласига учмайдиган, савдода, ишлаб чиқаришда хизмат кўрсатувчиларни қонун-қоидаларга бўйсинишларини талаб қиладиган, кундалик турмушида зарур истеъмол молларидан фойдаланадиган, ортиқча мол тўпламайдиган, тўй ва маъракаларни исрофсиз ўтказадиган, бир сўз билан айтганда, юксак маданиятли истеъмолчиларни аниқлаш ниятида ўтказилди.

Вилоятда тадбир моҳиятини жуда тўғри англашди. Ғолибларни аниқлашда томошабинлар баҳоси ҳам эътиборга олинди. Кўрик-танлов ҳайъати янгийўллик Т.Болтабоевлар, ангренлик Д.Мусаевлар, зангиоталик З.Холмирзаевлар оилаларини совринли ўринларга муносиб топди. Чиноз туманидан Р. Раимовлар оиласи эса мутлақ ғолиб деб топилди.

Нодавлат ташкилотларнинг аҳоли орасида нуфузи ошишида, низом ва дастурларида кўрсатилган вазифаларни ҳал этишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти жуда катта. Шу боис ҳудудий бирлашмамиз бу сингари кўрик-танловларни кўпроқ ўтказишни режалаштирмоқда.

**Камолжон ШОДИМЕТОВ,**
**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси.**

*Олот туманидаги «Ҳамид бобо» фермер хўжалигининг ташкил этилганига унча кўп бўлгани йўқ. Лекин ердан самарали фойдаланилаётганлиги, экинлар қатъий агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётганлиги боис кўрсаткичлар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили пахтачиликда ҳосилдорлик 60, ғаллачиликда эса 65 центнерни ташкил қилди. Олинаётган фойда миқдори ҳам ортаяпти.*

**СУРАТДА: фермер хўжалиги раҳбари Гулчеҳра Худоева.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**



Газетада босилмади, аммо...

# Ер ажратиб берилди

Таҳририятимизга шикоят хати йўллаган Бекобод туманидаги Ойбек номли ширкат хўжалиги аъзоси Б. Ҳамроев фермер бўлиш ниятида эканини, бироқ тузилган ҳайъат буни инобатга олмаганини ёзади. Мазкур хат юзасидан Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари С.БЕГАЛИЕВ имзоси билан келган расмий жавобда таъкидланишича, ***Б.Ҳамроевнинг аризаси комиссия йиғилишида қайта кўриб чиқилган. Йиғилиш қарорига асосан унга Ойбек номли ширкат хўжалиги ҳудудидан фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 22 гектар ер ажратиб берилган.***

*Қинғир иш — келтирар ташвиш*

# ҚАРЗ

## уни қайтариш фарз

Янгиликка ўч, йўқдан бор қиладиган ва ҳаракатчан кишиларни тадбиркор дейдилар. Мустақиллигимиз шарофати, қолаверса, Президентимиз ташаббуси билан республикамизда тадбиркорлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Эндиликда унга қўшилганларнинг сон-саноғи йўқ. Янгилик ихлосмандларининг кўпчилиги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариб, мўл-кўл деҳқончилик маҳсулотлари етиштириб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Лекин ўзини тадбиркор санаб кўзбўямачилик йўлига ўтиб олган, давлатимиз томонидан берилган имконият ва имтиёзлардан ғаразли мақсадларда фойдаланаётган, аниқроғи, қонунларни назар-писанд қилмаётган шахслар ҳам йўқ эмас. Улар банклардан кўп миқдорда кредитлар олиб, номига бироз фаолият кўрсатиб, сўнг фоизни ҳам, кредитни ҳам қайтармай ғойиб бўлмоқдалар. Ана шундайлардан бири Наманган шаҳридаги Давлатобод мавзесида яшовчи Б.Абдусаматовдир.

Босит 2001 йилнинг 27 июнь куни ТИФ «Миллийбанк»ининг вилоят бўлимига келди.

— Мен «Дил Нур» хусусий фирмасининг раҳбари бўламан, — дея ўзини таништирди банк мутасаддиларига. — Сизлардан кредит олмоқчийдим. Томат пастаси ишлаб чиқаришни режалаштирганман.

— Ташаббусингизни маъқуллаймиз, — қувватлашди уни банкдагилар. — Сиз каби ишбилармонларга эшигимиз очиқ.

Шундан кейин хусусий фирма билан банк ўртасида 311-сонли кредит шартномаси тузилди. Унга асосан фирмага йиллик 36 фоиз ҳисобидан устама тўлаш шарти билан 24 ой муддатга томат пастаси ишлаб чиқариш учун 15 миллион сўм миқдорда пул бериладиган бўлди. Кредит ва устама фоизларни қайтариш муддати 2003 йилнинг 27 июнига белгиланди. Норин тумани, «Бўстон» ширкат хўжалигида жойлашган фирмага қарашли консерва цехи ва ундаги жиҳозлар гаровга қўйилди. 29 июль куни тузилган гаров шартномаси туман давлат нотариуси томонидан тасдиқланди. Сўнгра Босит банкдан ўзаро тузилган шартномага биноан келишилган миқдордаги пулни қуртдай санаб олди.

Тадбиркор дастлаб ишни юритгандай бўлди. Орадан 3-4 ой ўтиб, банк томонидан ўтказилган илк текширишда олинган кредит маблағи мақсадли ишлатилаётгани аниқланди. Бироқ орадан маълум вақт ўтгач, ҳе йўқ-бе йўқ, маҳсулот ишлаб чиқариш бирдан тўхтади. Қарангки, Босит кўзбўямачилик йўлига ўтиб «банкдагилар кўрсин», деб номига бироз маҳсулот ишлаб чиқарган экан. Қисқа муддатли фаолияти давомида у шартнома шартлари бажарилишини таъминламади, кредитдан ва фоизлардан бўлган қарзини умуман тўламади. Ана шунда банкдагилар «Нима гап ўзи?» дея тадбиркорни қидириб қолишди. Афсуски, уни топиша олмади. Суриштирилганда гаровга қўйилган консерва цехидаги мулклар йўқ қилиб юборилгани, бино эса ташландиқ ҳолга келтирилгани аниқланди.

Банк ходимлари тадбиркорни қидириб унинг яшаш жойига боришди. Маҳалладагилар Босит бир йил аввал уй-жойини сотиб, номаълум томонга кўчиб кетганини маълум қилишди. Банкдагилар бу гапни эшитиб, оёғи куйган товуқдай у ёқ-бу ёққа зир югуриб қолишди. Ўзлаштирилган кўп миқдордаги давлат маблағини жавобгардан ундириш ҳаракатига тушишди. Вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритишди. Суд фирма бошлиғи қочувда юрганлиги сабабли ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқди. Даъвони қисман қаноатлантирди. Банк ва фирма ўртасида тузилган шартнома бекор қилинди. ТИФ «Миллийбанк» вилоят бўлими фойдасига «Дил Нур» хусусий фирмасидан 15 миллион сўм берилган кредит, 7290,0 минг сўм кредит фоизи, 231650 сўм давлат божи ва 2000 сўм суд харажати — жами 22523650 сўм ундириб бериладиган бўлди. Ундирув жавобгарнинг гаровга қўйилган мол-мулкига қаратилди.

Энди фирма раҳбари, яъни фирибгар тадбиркорга келсак. У ҳозир судда жавоб беришдан қўрқиб, республикадан ташқарида яшириниб юрибди. Хўжалик судининг хусусий ажрими билан унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Наманганлик Равшан Собиров ҳам ўз фойдасига устамонлардан. Айёрликда Боситдан қолишмайди. Шаҳардаги «Хон Чорбоғ» хусусий фирмасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. 2000 йил 21 август куни ТИФ «Миллийбанк» вилоят бўлими билан фирма ўртасида уч йил муддатга кредит шартномаси тузилади. Бу фирмага ҳам шартномага асосан томат пастаси ишлаб чиқариш учун 30 фоиз йиллик устама фоиз шарти билан банкдан 15 миллион сўм миқдорда кредит берилади. Кредит ва унинг фоизларини қайтариш муддати 2003 йил 5 августга белгиланади. Мазкур кредитни таъминлаш мақсадида фирмага қарашли маиший ва савдо хизмати кўрсатиш комплекси гаровга қўйилади.

Банкдан катта миқдорда кредит олингач, фирмада иш юришиб кетди. Иш бир неча ой давом этди. Шу давр ичида фирма кредит ва фоиздан бўлган қарзларини қисман тўлади. Давлат солиқ инспекциясига ҳам ҳисобот топширди. Минг афсуски, бу ҳолат узоқ давом этмади. Иш бирдан тўхтаб қолди. Кредит ва унинг фоизлари тўланмади, шартнома шартлари бажарилмади. Банкнинг фирмага йўллаган талабномалари натижа бермади. Энг қизиғи, фирма раҳбари қарзни узишни ўйламай номаълум томонга жуфтакни ростлаб қолди.

Банк мутасаддилари яна вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритдилар. Суд шартнома мажбуриятлари фирма томонидан бажарилмаганлиги боис уни бекор қилди. ТИФ «Миллийбанк» вилоят бўлими фойдасига «Хон Чорбоғ» хусусий фирмасидан 15 миллион сўм берилган кредит, 8455,0 минг сўм кредит фоизи, 250750 сўм давлат божи ва суд харажатини ундириш белгиланди. Ундирув фирманинг барча турдаги мулкига йўналтирилди. Хусусий тадбиркор Равшан Собиров жиғилдонига эрк бериб банкни алдаш йўлига ўтмаганида бундай нохушлик юз бермас эди. Хўжалик суди ажрими билан унга нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Биз юқорида тадбиркор деган номдан фақат ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлган икки шахснинг хатти-ҳаракати ҳақида мисол келтирдик. Банкларни чув тушириб кетаётган бундай кимсалар бошқа жойларда ҳам учраши мумкин. Тадбиркор ниқоби остида қинғир иш юритмоқчи бўлаётганлар бундан хулоса чиқариб олишса, ажаб эмас. Банклардан шартнома асосида олинган кредит ва унинг фоизларини ўз вақтида тўлаш ҳам қарз, ҳам фарз.

**Гулчеҳра АҲМЕДОВА,**
**Наманган вилояти хўжалик суди раисининг ўринбосари.**
**Эркин ҚАМБАРОВ,**
**журналист.**



Жараён

# Жангчилар билан ҳамнафас

Тан олиб айтишимиз керак, бугунги кун армияси билан бундан ўн-ўн беш йил олдинги армиянинг ер ва осмонча фарқи бор. Бир эсга олайлик, ўша пайтлари армия дейилса кўпчилик чўчиб тушарди. Аслида бу хавотир ноўрин эмас эди. Чунки ҳарбийга отланган йигитлар орасидан хизмат жойидан калтак еб, майиб-мажруҳ ҳолда қайтадиганлар кўпайиб бораётганди. Бу эса ота-оналарни безовта қилди ва кўпчилик, қандай қилиб бўлса-да, ўғлини хизматдан олиб қолиш йўлларини излай бошлади. Бошқача айтганда, одамларда армияга ишонч қолмаган, хизмат ёшидаги йигитлар ўзларини касал қилиб кўрсата бошлаган эди. Яхшиямки, бу ҳолат узоққа чўзилмади. Истиқлолдан кейин давлатимиз раҳбари бу тизимнинг қатъий йўлини белгилади. Кўп ўтмай одамлар онгида армияга бўлган муносабат буткул ўзгарди.

Мамлакатимизда мудофаа тизимини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизни такомиллаштириш, профессионал армияга эришиш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов ташаббуси билан ҳарбий соҳадаги ўзгаришлар, шубҳасиз, ҳаётимизнинг осойишталиги, сарҳадларимизнинг мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган. Эндиликда ҳарбий хизмат муддатининг қисқартирилиши, сафарбарлик чақирув резерви жорий этилганлиги, Сержантлар мактабининг ташкил қилингани қувончли ҳолдир. Ушбу ислоҳотлар замирида инсон манфаати — тинч-осуда ҳаётимизни барқарорлаштириш ётади.

Яқинда Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмларда бўлдик. Мақсад, аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишиш ва ислоҳотларнинг амалиётга қай тарзда татбиқ этилаётганини кўриш. Бир кунга мўлжалланган ушбу сафар, дастлаб, Чирчиқ олий танк қўмондон муҳандислик билим юртидан бошланди. Мазкур даргоҳ кўп йиллик тарихга эга. Узоқ йиллар турлича аталган бу мактаб 1993 йилнинг 26 мартида, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг буйруғи билан юқоридаги номни олди. Ва унда танк, ҳаво-десанти ҳамда ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари командирлари, муҳандис техник таркиб, тарбиявий ишлар бўйича командир ўринбосарлари, ихтисосликлари бўйича офицерлар тайёрлана бошланди. 1995 йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан билим юртига Жанговар Байроқ топширилди. Мактабни томоша қилиб, унда жой олган ҳарбийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи суратларни, музейдаги қурол-аслаҳаларни, халқаро ҳамкорликка доир лавҳаларни кўриб шарафли байроқ топширилгани бежиз эмаслигига иқрор бўласиз. Ушбу билим юрти, шунингдек, ўтган ўқув йилида қўшилмалар, ҳарбий қисмлар ва ҳарбий билим юртлари ўртасидаги мусобақа якунлари бўйича илғорликка эришиб мудофаа вазири томонидан тақдирланди.

Мактабнинг машқ хоналарига ўтамиз. Бу ерда курсантлар комьпютер орқали танкни бошқариш, жанг пайтида улардан фойдаланиш сирларини ўрганишаётган экан. Бир хонада саккизта курсантнинг машқини битта назоратчи кузатарди. Кейинги хонада эса машқ жараёни бошқача, яъни ҳар бир курсантга алоҳида назоратчи.

Биз кўзини тасвирдан узмай, танкни бошқараётганлардан бирини суҳбатга тортамиз.

— Оддий аскар Азизбек Ҳамдамовман, — дея ўзини таништиради йигит. — Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидан хизматга келганман. Бу ердаги шарт-шароитни ўзингиз ҳам кўриб турибсиз, нолишга асос йўқ. Айниқса, мана бундай машқларни ўташ биз учун мароқли.

Азизбек яна кўп гапларни айтаркан, унинг муомаласи ва мағрур сўзлашидан



англадикки, ҳарбий хизмат навқирон йигитни ҳар жиҳатдан тарбияламоқда.

"Ўқ отиш синфи"га йўлда турган жанговар машиналар, танклар, қатор тизилган қурол-аслаҳаларнинг ёнидан ўтамиз. Синфда бир гуруҳ йигитлар харита олдида ишлаяптилар. Харита орқали жанг майдони тасаввур қилинади ва қаерга қандай куч ишлатиш, ўқлардан фойдаланиш белигаланади. Курсантлар сафга тизилиб турганда, уларга танкларга чиқиш учун буйруқ берилди. Йигитлар зум ўтмай буйруқни бажаришди. Сўнг снарядларни жойшлаштириш вазифаси юкланди. Умуман олганда, ҳар бир ҳаракатда тезкорлик яққол кўзга ташланадики, буни кўриб армияда, хизмат чоғида чаққонлик ва эпчиллик, абжирлик алоҳида аҳамият касб этишини яна бир бор ҳис қиласан, киши.

Сафар давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг марказий ҳарбий полигонидаги жараён бизда катта таассурот қолдирди. Бу ерда курсантларнинг танклардан фойдаланишлари ва ўқ отишни машқ қилишлари шу қадар қизғин эдики, қулоқни қоматга келтирадиган снаряд ва ўқ овозларидан гўё жанг майдонига келиб қолгандай бўлдик. Ва шу онда бундай товушлар ер юзидаги кўплаб мамлакатларда эшитилиб, одамларни даҳшатга солаётгани, бизда эса тинчлик ҳукм сураётганини ҳис қилиб, шукур қилдик...

— Отабек Деҳқоновман, 3-курсда ўқийман,— дейди қадди-қомати барваста, ҳарбий кийими ярашиб турган йигит ўзини таништираркан. — Ҳозир танк бошқаришни ўрганаяпмиз.

Отабек бизга бу соҳага ўз ихтиёри билан келганини, ҳарбийлар ҳаётига қизиқиш отасидан ўтганлигини гапириб бериш асносида, "Ўқ овозларидан чўчимайсизми?" деган саволимизга "Йўқ, асло, бу гумбирлашлар, ўқ овозлари, бизни ҳар доим, ҳар дақиқа ҳушёрликка ундайди", дея жавоб берди. Биз эса қарчиғайдай йигит тимсолида нафақат жисмоний имконияти, балки кенг дунёқараши, билими шаклланиб бораётган аскарларимизни кўрдик.

Марказий ҳарбий полигондан Сержантлар тайёрлаш мактабига бордик. Бу ердаги бир-биридан шинам, замонавий хоналар кишининг баҳри-дилини очиб юборади. Комьпютерлаштирилган хоналар, тайёрланган ашёлар машқларни бекаму-кўст ўтишини таъминлаши аниқ. Мактаб бошлиғи, полковник Назиржон Саидовнинг айтишича, республикамиздаги мавжуд тўртта Сержантлар тайёрлаш мактабидан фақат шу ердагина қизлар ҳам ҳарбий сабоқ олишаркан.

Полковникнинг бу гапи бизни қизиқтириб қолди. Чунки бизда ҳарбий тизимда аёллар фаолият кўрсатиши камдан-кам учрайдиган ҳолат-да! Ўқув хоналаридан бирида комьпютерда машғулот ўтаётган сочлари сариқ қиз диққатимизни тортди.

— Болалигимданоқ армия ҳаётига, ҳарбий бўлишга қизиқардим,— деб ўзбек тилида гапира кетди у. — Исми-шарифим Хуршида Абдураҳмонова. Мана, ният холис экан, ҳарбий ҳаёт умримнинг бир қисмига айланди. Келажакда сафимизда қизларимиз кўпайишини истайман...

— Қизларнинг борлиги яхши экан, — дейди мактаб бошлиғи Н. Саидов. — Чунки йигитлар бирор машқни бажаришда, масалан, югуришда яхши қатнашмаса, бир оғиз "Э, уялмайсанми, қизларни қара, сендан яхши югураяпти"деган гапнинг ўзи кифоя...

Курсантлар билан савол-жавоб, ўқ отиш майдончасида милтиқдан фойдаланиш, танкларга миниб атрофни кузатишдан кейин бизни тушликка таклиф қилиб «Аскарлар билан бирга, улар нима еса, шуни ейсизлар", дейишди. Аскарлар дастурхонида иккита кичикроқ қозон бор экан, ўзимизга ўзимиз хизмат қилиб, биринчисига мазаси оғизда қоладиган шўрва, иккинчисига эса паловхонтўрани еб тугатган ҳам эдикки, учинчисига, дея компот олиб келишди. Машқ пайтида бир-биридан гавдали аскарларимизни кўрган эдик. Уларнинг таомларидан тановул қилиб, англадикки, бундай бақувватликнинг бир чеккаси мана шундай яхши овқатланишга ҳам бориб тақалади...

Сафар мобайнида Чирчиқ шаҳридаги курсант ва аскарларга яратилган қулай шарт-шароитни кўриб, олиб борилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини яна бир бора ҳис қилдик. Ватан ҳимоячилари сафида забардаст йигитлар, етарли шароит ва имконият бор юртда эса профессионал армияга эришиш хусусидаги ҳаракатларнинг амалга ошиши муқаррар.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: ҳарбийлар ҳаётидан лавҳа.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайниев Қарши туманидаги Яхши Омонов номли ширкат хўжалигининг Қовчин қишлоғида бўлиб, қишлоқ фуқаролари билан очиқ мулоқот ўтказди.

## Мурувват пойдевори

Суҳбат чоғида ҳоким қишлоқ қиёфаси ва одамлар тафаккуридаги ўзгаришлар ҳақида сўз юритди.

Учрашувдан сўнг кам таъминланган, ёш оилалар учун ўнта замонавий уй қурилиши бошлаб юборилди. Бу Меҳр ва мурувват йилида белгиланган тадбирлар дастурининг амалий ижросидир.

**Худойберди НАЗАРОВ.**

## Пўлат МЎМИН



Ўзбек болалар адабиётининг таниқли намояндаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, қўшиқнавис шоир ва драматург Пўлат Мўмин 82 ёшида вафот этди.

Пўлат Мўмин 1922 йилда Тошкентда таваллуд топди. 1944 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаб, мактабда ўқитувчилик қилди, болалар газетасида адабий ходим, Ўзбекистон давлат нашриётида бўлим мудири лавозимларида ишлади, Ёзувчилар уюшмаси ва Маданият ишлари вазирлигида меҳнат қилди.

Пўлат Мўмин 1964 йилдан то умрининг охиригача фақат ижодий фаолият билан шуғулланиб, баракали ҳаёт йўлини босиб ўтди. Истеъдодли шоирнинг «Сайранг, қушлар» номли илк шеърий тўплами 1949 йилда нашр этилган эди. Шундан сўнг унинг «Олтин бошоқлар», «Тонг куйлари», «Офтоб чиқди оламга», «Ҳунардан унар», «Олтмиш олти олтин қўл», «Эртакдан эртакка», «Фардлар китоби» каби қирқдан зиёд асарлари чоп этилди.

Пўлат Мўмин ўзбек қўшиқчилик санъати ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Унинг шеърларига басталанган «Она», «Эй муҳаббат», «Индамади», «Сенга бир гап айтаман» каби кўплаб қўшиқлар тингловчилар қалбидан чуқур жой олди.

Пўлат Мўмин таржимон ва драматург сифатида ҳам самарали ижод қилди. Унинг «Қовоқвой билан Чаноқвой», «Бояқиш туяқуш», «Она болам дейди» каби драмалари ёш томошабинлар театрларида саҳналаштирилиб, муваффақият билан намойиш этилди.

Пўлат Мўминнинг адабиётимиз ва маданиятимиз ривожи йўлидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон санъат арбоби», «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвонларига сазовор бўлган, 1998 йилда эса «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган эди.

Таниқли шоир, маҳоратли таржимон ва драматург, меҳрибон устоз ва камтарин инсон Пўлат Мўминнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги.**

"Lok Kolor Sintez" корхонасидан янгилик!

Атрофдагиларнинг соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилинг!
Ўзбекистон бозорида илк бор!

Корхона Халқаро сифат совринига сазовор бўлган ва SPIнинг Олтин медали билан тақдирланган.

«BIOCAVAT» сериясидаги ЭМАЛЬ ҳамда БЎЁҚЛАР полиалкиленгуанидинлар синфига кирувчи ажойиб биоцид қўшимчага эга бўлиб, у антисептикнинг ажойиб янги авлодига киради ва кенг қўламда таъсир кучига эгадир.

Маҳсулот кўп босқичли синовлардан муваффақиятли ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан одамлар кўп бўладиган жойларда: *мактаблар, болалар боғчалари, туғруқхоналар, касалхоналар, ҳарбийлар казармалари ва ҳоказоларда лак-бўёқ қопламаси сифатида қўллашга тавсия этилади.*

Ўта юқори бактерицид, вирулицид, спороцид ва фунгицид фаолликка эга бўлган ушбу қопламалар инфекцион касалликлар (грипп, гепатит А, стафилакоклар, дизентерия, дифтерия, дермотофития, моғор босиши ва бошқалар) даражасининг кескин камайишига имкон яратади.



*Товар сертификатланган. Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.*

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22.
Телефонлар: (998 71) 191-47-41, 191-80-94,
факс: (998 71) 191-74-63. E-mail: lokcolor @ online.ru

8364/2313

КРАХМАЛ ШИННИСИ (ПАТОКА)
(маккажўхоридан)
ҚАНДОЛАТЧИЛАР ВА ПИВО ПИШИРУВЧИЛАР УЧУН
«FERMOPATEKS» МЧЖ
ИШЛАБ ЧИҚАРГАН.
Телефонлар: 111-04-44, 152-75-72.
E-mail: makscomp@globalnet.uz

патент № 0119582
ТАШҚИ РЕКЛАМА
Корхона ва ташкилотлар диққатига !
Хусусий тадбиркор Умурзаков Э.А. Сиз учун қисқа муддатларда ва арзон баҳоларда қуйидаги ташқи реклама воситаларини тайёрлаш ва ўрнатиш бўйича ўз хизматларини таклиф этади:
- *пластик осма ёзувлар;*
- *ёритилувчи тabлолар;*
- *ҳажмли ҳарфлар;*
- *эшик лавҳалари;*
- *тортма баннерлар;*
- *кўрсаткичлар;*
- *реклама тўсинлари ва ҳоказо*

Кўрсаткич
Тўлов пул ўтказиш йўли билан.
Маълумот учун телефонлар:
128-37-13, 173-63-90, 186-37-13, 173-38-35.

# Бир оғиз сўз

### Ҳақиқат

Тасаввур қилинг-а, бир оғиз ширин сўз беморга қанчалар малҳам бўлади. Ҳар қандай дори-дармон, муолажанинг ўрнини босади. Бир оғиз малҳам сўз беморда, аввало, даволаётган шифокорга, олаётган муолажаларига, дарддан фориғ бўлишга ишонч уйғотади. Шу бир оғиз сўз ҳар бир оқ халат эгасига катта масъулият юклайди. Шундай дақиқалар бўладики, "Сиз албатта тузаласиз, кўрмагандек бўлиб кетасиз", деган оддий далда ҳам беморга хасталик билан курашишга куч-қувват бағишлайди. Шунинг учун ҳам бир оғиз ширин каломнинг қудрати бир бемор дарди ариши билан ўлчанса, ажабмас.

— Шифокорнинг яхши сўзи, тасаллисига ишонган бемор "Мен тузаламан", деган буйруқни ўзига ўзи қайта-қайта буюраркан, у бош мия орқали тананинг барча аъзоларига тарқайди, — дейди врач-психолог Муҳаббат Давлатова. — Натижада организмда касаллик билан курашиш жараёни бошланади. Дард кучли қаршиликка дуч келади. Ўзининг тузалишига астойдил ишонган бемор дардни албатта енгади. Ахир Гиппократ ҳам "Касални дори билан эмас, ширин сўз билан даволаган маъқул", деб бежиз айтмаган.

### Ҳикоя

*— Республика Онкология илмий-текшириш институтига олиб келишганида аҳволим оғир эди. Ёмон томони шундаки, бу ернинг ўзидан ҳам аввал номидан ҳамма чўчийди. Шу шифохонада даволанишга мажбур бўлганларга Худо тўзим берсин. На илож, дардга чалингандан кейин шифосини изларкансан-да. Хуллас, жуда тушкун аҳволда эдим. Бош ва бўйин жарроҳлик бўлими бошлиғи Баҳромжон Юсупов билан бўлган илк суҳбатдаёқ, назаримда, танам енгиллашди, юрагимни хира қилиб турган ғубор йўқолгандек бўлди. Шифокорнинг самимий муомаласи, кўзларидаги меҳр кўнглимни кўтарди. Ҳар текширувда у менинг дилимда дардим аришига ишонч уйғота бошлади. Шу зайл операцияга ҳам рози бўлдим. Даволаниш жараёнида ўз касбига садоқат ва меҳр билан ёндашадиган, дили пок дўхтирлар кўплигини кўрдим. Бу шифокорларнинг аввало ширин сўзи мени даволади. Оёққа туришимга, ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлишимга ёрдам берди. Ҳақиқий шифокорнинг давоси асли унинг тилида экан. "Бир ширин сўз битказар минг кўнгилнинг ярасин", дерди кексалар. Ҳақ гап экан.*

Бу ўзини тошкентлик, «Қорасув-2» даҳасида истиқомат қилувчи Ҳадича Жабборова деб таништирган аёлнинг ҳикояси. Очиғи, қўлтиқтаёқда, дард чеккани юз-кўзларидан сезилиб турган бу беморнинг шифокорларга миннатдорчилик билдириш ниятида атайин остона ҳатлаб кўчага чиқиб, таҳририятга келиши бизни ҳайрон қолдирди. Бу дил сўзларини ўз эгаларига етказишга ҳаракат қилишимни айтиб Ҳадичахонни кузатиб қўйдиму, бундан бир неча кун илгари Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманидан келган хат хаёлимдан ўтди. *"Ойижоним ҳали ёшлар, қирққа ҳам тўлмаганлар,— деб ёзади Ш.Авазова.— Мен оилада тўнғич фарзандман. Дадам фермада ишлайдилар, уззукун ишда бўладилар. Биз укам билан ойим олдиларида қоламиз. Чунки улар анчадан буён касаллар. Дадам кўп дўхтирларга кўрсатдилар. Охири бир катта дўхтир ойимга: "Сиз раксиз, энди давонинг фойдаси йўқ", дебди. Ойим роса йиғладилар, энди эса сув ҳам ичмай ётибдилар. Дадам бошқа дўхтирларга кўрсатай, десалар, барибир фойдаси йўқ, деб қайтарадилар. Ойижонимнинг тузалишларига ёрдам беринглар".*

Бу воқеага изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

### Ҳақиқат

Бир оғиз сўзнинг қудрати нималарга қодир-а... Бугунги кунда ҳеч ким ҳатто душманига ҳам оғриб, шифохонага тушишни раво кўрмайди. Боиси... Ё оиламиз, ё қўшнимиз ёки қариндош-уруғда тиббий хизматдан кўнгил тўлмаслик, ранжиш ҳолатлари учраб турибди. Бу бор гап. Шу ўринда айнан фалон дўхтир, фалон ҳамшира ёки анави шифохона, шундай сонли поликлиника деган аниқ далиллар келтиришдан йироқмиз. Қизиғи шундаки, тиббиётдаги нохуш ҳолатлар ёки бирор шифокорнинг нотўғри муолажасидан озор кўрган бемор ҳақида ёзиладию, кейин уни мутасадди ташкилот текширади. Лозим топса, тиббий ходимга ёки раҳбариятга жазо кўради. Бўлар иш бўлиб, бўёғи сингач, бундан не наф? "Ахир ҳамма ҳам янглишади, хато қилади", дейишади тиббиётчилар. Тўғри. Бироқ шифокорнинг адашиши, қалтис иш тутиши жуда қимматга тушиши ҳам аён-да. Гап инсон ҳаёти устида кетаётганда инчунун. Зеро, Гиппократ қасамини ичган, одамларнинг дардини фориғ қилиш, уларга малҳам бўлишдек олий бир "мансаб" насиб этганда, нима сабабдан улар Оллоҳнинг бундай иноятини соф виждон ила бажаришни истамайдилар. Ахир бировнинг дардига дардманд бўлишдан ҳам ортиқроқ улуғлик бормикан, асли?! Биз бу ўринда шифокорларга ўз касбларининг айрим нозик, айни пайтда энг зарур нуқтасини ёдларига солмоқчимиз, холос.

### Ҳикоя

Биз, журналистлар шифокор-олим Отоулла Оқиловни яхши эслаймиз. Домланинг суҳбатлари жуда ширин эди. Ҳаммага бирдек муомала қилардилар. Уруш кўрган жарроҳ-профессор Муқаддам Ашраповани самимият билан қўмсаймиз. Ҳарбий госпиталда ишлаган пайтларида ўлим билан олишган қанчадан-қанча ўғлонларнинг ҳаётини сақлаб қолган бу аёл: "Жарроҳлик касбининг орқасидан аёллигимни ҳам унутиб юборардим. Гоҳо беморга қаттиқ гапиришга ҳам тўғри келарди. Унинг фойдаси учун шундай қилишга мажбур бўлардим. Операция ўтиб, беморим тузалганини кўргач, мулойим тортардим, шифокор-аёлга айланардим", дегандилар бир суҳбатда.

Раҳбар сифатида кимгадир юмшоқ, кимгадир қаттиқ гапирган бўлса-да, профессор Саиджалол Баҳромовнинг хушмуомаласи, самимиятини кўпчилик эътироф этади. У киши вазир бўлган кезлари газета учун бирон мақола тайёрлаш зарурати туғилса, айтилган вақтда қўлёзма материални таҳририятга ўзлари олиб келардилар. Яна то мақола билан танишиб, унга эътирозлар йўқлигини билмагунча кутиб, кейин кўнгил хотиржамликда хайрлашардилар. Бир сўз билан айтганда, шифокорлик касби фидойилик, қалб ва фикр софлигини талаб этади. Бу касбга баҳо берганда "олижаноб" деган иборанинг алоҳида ишлатилиши ҳам балки шундандир. Дабдурустдан дўхтир бўлишни орзу қилганлар эса бу улуғ касбнинг мағзини кексайганда ҳам чақолмай юришлари табиий...

### Хулоса

"Яхши сўз — кўнгил подшоси", дейилади халқ мақолларида. Яна "Беморга ширин сўз керак, ақлсизга кўз", "Шифокорнинг аввало сўзи даво", деган гаплар ҳам бор. Булар бежиз айтилмаган. Фақат бундай гапларни биз бугун тиббиёт олий ўқув юртларида қайта-қайта такрорлашимиз жоизга ўхшайди. Токи, бўлажак шифокорлар онги,шуурига булар муҳрланиб қолсин.

Яқинда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг республикамиз айрим вилоятларида ўтказган мониторинги якунига бағишланган йиғилишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги алоҳида эътибор бериши лозим бўлган тавсиялар таъкидланди. Тиббиёт муассасаларида врачлик одобини мустаҳкамлаш,тиббий ёрдам кўрсатишнинг инсонпарварлаштирилиши, тиббиёт ходимларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш дастурига айрим янги фанларни киритиш масалаларига эътибор қаратиш лозимлиги уқтирилди. Асли моҳияти инсонпарварлик бўлган тиббий хизматда ана шу бош тамойилни азиз билиш ва уни такомиллаштириш ҳаётий зарурият бўлиб қоляпти. Бемор учун шифокорнинг тиғи, босим ўлчагичи, юрак уришини тингловчи асбобидан ҳам муҳими унинг майин табассумию, бир калима хуш сўзидир. Зеро, бир оғиз сўз беморга ё мадад беради, ё... абгор қилади.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

«O`z Rus Oliygox»
ҚЎШМА КОРХОНАСИ
мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юртлари ҳамда ўқув марказларининг хориж тилларини ўрганиш учун лингафон хоналарига мебель ва барча жиҳозларни тайёрлаб ўрнатиб беради.



Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Университет к., 2-уй.
Тел.: 46-48-98, 46-46-73, 46-04-93.
Факс: 46-05-48, 144-83-57.
Сифатига ва 12 ой муддат ичида таъмирлашга кафолат берамиз.
Давлат ўқув муассасалари учун имтиёзли нарх таклиф этилади.
Хориж тилларини биз билан бирга ўрганинг.

*Акс садо*

*Юртбошимизнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишида айтган гаплари ҳаммамизнинг кўнглимизни кўтарди. Бироқ шундай хайрли ишга юзаки қарайдиган, бурнининг тагидан нарёқни кўролмайдиган вазифашунос раҳбарлар ҳам учраб туради. Журналист Аликул Хонимқуловнинг «Халқ сўзи» газетасининг шу йилги 21 январь сонида эълон қилинган «Спортни суймайдиган раҳбарлар» номли мақоласида шу ҳақда гап борганди.*

# Ёқилмай қолган машъала

Тўғрисини айтганда, бизда спорт деганда афтини буриштирадиган, мен қишлоқ хўжалигини биламан, бошқасига жавоб бермайман, деб ўзини четга олишга уринадиган раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Одатда, улар кўпинча шундай мулоҳаза қилишади: «Фалон ерни биророта ижарачига берсам, ҳар йили ҳосил олади, фойдадан ўзим ҳам қуруқ қолмайман. Ўша ерни стадион учун ажратсам, самарасиз ётаверади, яхши спортчилар етишиб чиқса, ёнғоққа ўхшаб йигирма йилда мева соладии, бўлмаса йўқ». Ана фалсафа!

Спортга чўпондан тортиб фермергача, тижоратчидан тортиб ҳакимгача, барчанинг алоқаси бор. Биз келажакда буюк давлат қурмоқчимиз. Бундай давлатни маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом фуқароларгина барпо этади. Ўйингоҳ учун ер ажратаётганда тишини суғуртираётгандай тиззаси қалтирайдиган раҳбарлар масаланинг бу томонини хаёлларига келтиришса яхши бўларди.

Боёвут туманидаги Навоий номидаги ширкат хўжалигининг бир вақтлар бутун вилоятга машҳур футбол жамоаси бор эди. Ўзбекистоннинг мустақиллиги арафасида ташкилотчи, ташаббускор бир раиснинг ҳаракати эвазига вужудга келганди бу жамоа. Раис футбол жамоасига хўжалик ҳисобидан ўйингоҳ учун ер ажратиб, уни қуриб ҳам берганди. Тўғриси, ўша вақтлар туман раҳбарларидан бири «Мен нима дейман, қўбизим нима дейди, биз пахтани ўйласак, бу раис стадион ташвиши билан юрибди, колхозга бунақа ўйингоҳнинг битта соғин сигирча нафи тегмайди», — деб кесатганини эшитганмиз. Кўп ўтмай энг катта спорт тадбирлари шу ерда ўтказиладиган бўлди. Хўжаликнинг «Олимпия» футбол жамоаси тилга тушди. Спартакиадалар, мактаб спорт тўгарагининг машғулотлари ҳам шу ерда олиб борилди. Стадион асалари уймалаган кунгабоқардай гавжум жой бўлиб қолди.

Афсуски, кейинчалик аҳвол ўзгарди. «Олимпия» жамоаси тарқатилди. Энг ёмони — одамлар қизиқарли томошадан маҳрум бўлди. Футбол мусобақаси ўтказилаётганда бу ерга болалар ҳам, оталар ҳам, ҳатто аёллар ҳам томошага келарди. Энди одам оёғи узилди. Қайтага одамлар ям-яшил стадионга молини арқонлаб қўядиган бўлишди. Жамоага ёрдам берадиган, ғамхўрлик кўрсатадиган ҳомий топилмаса ҳам қийин экан. Хўжаликнинг ўзи бу ишни эплолмади.

Бошқа бир мисол. Қишлоқда 100 нафардан ортиқ шахматчи бор. Қишлоқдаги чойхонанинг сўриси доим улар билан гавжум. Бир куни Гулистондан спорт усталигига номзод шахматчилар келган эди, навоийликлар уларни «териб» ташлади. Мана, бир неча йилдирки, қишлоқ шахматчилари жамоаси Бекобод туманининг «Ғалаба» ширкат хўжалиги шахматчилари билан анъанавий мусобақа ўтказишади. Навоийлик шатранж усталари орасида мактаб ўқувчилари ҳам, нафақахўрлар ҳам бор.

Ҳаммаси яхши. Бироқ, шу шахматчиларни рағбатлантирадиган бир валломат йўқ. Улар орасида икки-уч нафар спорт усталигига номзод даражасида ўйнайдиганлари, йигирмадан ортиқроқ турли разрядлилар даражасида турадиганлари бор. Лекин эътибор кўнгилдагидек эмас.

Ҳар мингта боланинг биттаси вужудида спортнинг Пелеси, Муҳаммад Алиси, Ҳожимуқони, Паҳлавон Маҳмуди бўлиш қобилияти мавжуд экан. Аммо бундай қобилиятни рўёбга чиқариш ҳамиша шароитга, ғамхўрликка боғлиқ бўлиб қолаверади. Қадимги греклар боланинг қалби тўлдириладиган бўш идиш эмас, балки ёқиб юборилиши керак бўлган машъаладир, деган. Афсуски баъзан нўноқ, тепса тебранмас раҳбарларнинг боқибеғамлиги, лоқайдлиги туфайли бу машъалалар ёнмай қолаяпти.

**М. ИСАМУРОДОВ,**
**журналист.**

# Дилларнинг гулшани

*Учрашув*

Меҳр кўрмаса, қуёш тафтидан баҳра олмаса чўп гиёҳга айланмайди. Инсоннинг тафтли, ҳароратли қўли тегмаса тупроққа жон кирмайди. Шунинг учун бўлса керак, 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили, деб эълон қилинишини ҳаммамиз кўтаринки кайфият билан қарши олдик.

Тошкент тумани ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ҳамда "Миллий тикланиш" партияси, ёзувчи, шоирлар ҳамкорлигида "Меҳр — дилларнинг гулшани" мавзусида ўтказилган тадбир ҳам йилимизга сифат бўлган бу сўзнинг халқимиз хотиралари, орзу-умидларига туташ эканлигини кўрсатди.

— Мурувват — ҳар бир инсонга таянч, демакдир, — деди Олий Мажлис депутати Иброҳим Ғафуров тадбир мазмунини кенгроқ изоҳлар экан. — Бунинг учун бировга фақат моддий ёрдам кўрсатишни эмас, ширин сўзли бўлиш ҳам тушунилади. Меҳрнинг бир маъноси — қуёш. Бу дунёдаги жамики жонли мавжудотнинг шу туйғуга эҳтиёжи бор. Инсонга куч-қувват бахш этадиган, элни кўкартириб, кўтарадиган бу ҳиссиёт одамларнинг кўнглида бўлгани учун тез қабул қилинди.

Анжуманда Тошкент туманида болалар спорти борасида эришилаётган муваффақиятларга ҳам алоҳида урғу берилди. Хусусан, Турон якка кураши бўйича 1991 йилда туғилган болалар ўртасида республика биринчилигида туманнинг ёш спортчилари 5 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза медалига сазовор бўлганликлари тадбирда эътироф этилди. Тадбир давомида, шунингдек, ижодкорларимиз бугунги адабий жараён ҳақида гапирдилар, шеърлар ўқилди. Меҳр-оқибат, одамийликнинг халқимизга хос бўлган азалий фазилат эканлиги, энг муҳими, ушбу қадриятлар бугунга келиб яна қайта бўй чўзаётганлиги таъкидланди.

Дийдорлашувлар, шеърлар тафти изҳорлар бир неча соатда ўтиб кетади. Аммо унинг одам кўнглидаги ёруғлиги узоқ сақланиб қолиши муқаррар. Зеро, шоир айтганидек, меҳр қолур, муҳаббат қолур...

**Ўз мухбиримиз.**

## «Инглиз тили ва америкашуносликни ўқитишдаги аълочилик»

# АКСЕЛС дастури

**ўрта мактабларнинг инглиз тили ва америкашунослик ўқитувчилари учун мўлжалланган. Бу дастурдан кўзланган мақсад — ўқитувчиларнинг иш малакаси, ўз ишига қанчалик қизиқиши ва ўқув жараёнига янгилик киритишларини аниқлаш. Мазкур дастур асосида 2004 йилда яна 10 нафар ғолиб Америкага малака оширишга юборилади. Шунингдек, иккинчи босқичнинг 50 нафар ғолиб ўқитувчиси ҳамда 50 та мактаб алоҳида тақдирланади.**

### Иккинчи босқич ғолиблари

| | Фамилияси | Исми | Мактаб | Шаҳар, туман | Вилоят |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Қосимова | Робия | 32-ўрта мактаб | Китоб | Қашқадарё |
| 2 | Неъматов | Муҳамаджон | 28-ўрта мактаб | Фарғона | Фарғона |
| 3 | Пўлатов | Азим | 30-ўрта мактаб | Қорамулла | Фарғона |
| 4 | Самандарова | Зулфия | Ш.Рашидов номидаги 14-лицей | Жумашуй | Наманган |
| 5 | Мухторова | Елена | «Парвоз» гимназияси | Фарғона | Фарғона |
| 6 | Мўминова | Шоира | Жаҳон тиллари гимназияси | Фарғона | Фарғона |
| 7 | Ҳабибов | Баҳодир | 55-ўрта мактаб | Самарқанд | Самарқанд |
| 8 | Абдуллаева | Лейла | Самарқанд қошидаги академик лицей | Самарқанд | Самарқанд |
| 9 | Ли | Галина | 291-ўрта мактаб | Тошкент | Тошкент |
| 10 | Мусахонова | Хуриниса | 248-ўрта мактаб | Тошкент | Тошкент |
| 11 | Мавлонова | Дилбар | 33-ўрта мактаб | Наманган | Наманган |
| 12 | Жўраев | Сирожиддин | 8-ўрта мактаб | Китоб | Қашқадарё |
| 13 | Турсунова | Махфират | 2-ўрта мактаб | Китоб | Қашқадарё |
| 14 | Украинец | Татьяна | 9-ўрта мактаб | Чирчиқ | Тошкент вилояти |
| 15 | Цой | Елена | 145-ўрта мактаб | Тошкент | Тошкент |
| 16 | Завертяев | Валерий | ЖИДУ қошидаги лицей | Тошкент | Тошкент |
| 17 | Жалилов | Комил | ЖИДУ қошидаги лицей | Тошкент | Тошкент |
| 18 | Ҳамидов | Амониллохон | 1-Намуна | Чуст | Наманган |
| 19 | Бейгелдиева | Нина | коллеж | Навоий | Навоий |
| 20 | Усмонова | Мамлакат | 8-ўрта мактаб | Ғиждувон | Бухоро |
| 21 | Туюнбоева | Зулфия | Технология институти қошидаги лицей | Бухоро | Бухоро |
| 22 | Юсупова | Наталья | 5-ўрта мактаб | Чирчиқ | Тошкент вилояти |
| 23 | Абдулвоҳидов | Абдулҳамид | ЖИДУ қошидаги лицей | Тошкент | Тошкент |
| 24 | Нам | Галина | академик лицей | Ангрен | Тошкент вилояти |
| 25 | Шоюсупова | Камола | ЖИДУ қошидаги лицей | Тошкент | Тошкент |
| 26 | Юсупов | Алишер | 15-ўрта мактаб | Каттақўрғон | Самарқанд |
| 27 | Искандаров | Юсуп | 11-ўрта мактаб | Янгиариқ | Сурхондарё |
| 28 | Нормуродов | Аллаёр | 36-ўрта мактаб | Денов | Сурхондарё |
| 29 | Бобоева | Мавлуда | 1-ўрта мактаб | Ғалла-Осиё | Бухоро |
| 30 | Боқиева | Мунавар | 6-ўрта мактаб | Бухоро | Бухоро |
| 31 | Сакибаева | Бахтли | 9-ўрта мактаб | Кегейли | Қорақалпоғистон |
| 32 | Эрназарова | Асия | 1-ўрта мактаб | Тўрткўл | Қорақалпоғистон |
| 33 | Турдибоева | Феруза | «Прогресс» маркази | Нукус | Қорақалпоғистон |
| 34 | Кудрявцева | Тамара | 3-гимназия | Урганч | Хоразм |
| 35 | Минакова | Анифе | 5-ўрта мактаб | Чирчиқ | Тошкент вилояти |
| 36 | Камалова | Людмила | республика лицейи | Тошкент | Тошкент |
| 37 | Мирзабекова | Наргиза | 16-ўрта мактаб | Сирдарё | Сирдарё |
| 38 | Абдуллаев | Усмон | академик лицей | Қарши | Қашқадарё |
| 39 | Мустафақулова | Ҳулкар | 28-ўрта мактаб | Жиззах | Жиззах |
| 40 | Рўзиева | Ирода | 54-ўрта мактаб | Каттақўрғон | Самарқанд |
| 41 | Равшанова | Наргиза | Бухоро университи қошидаги гимназия | Бухоро | Бухоро |
| 42 | Низомова | Гулмира | академик лицей | Бухоро | Бухоро |
| 43 | Бобоева | Меҳринисо | 2-ўрта мактаб | Бухоро | Бухоро |
| 44 | Фармонова | Шаҳло | Бухоро университети қошидаги гимназия | Бухоро | Бухоро |
| 45 | Галиева | Альбина | 37-ўрта мактаб | Бухоро | Бухоро |
| 46 | Назарова | Гулбаҳор | 1-академик лицей | Бухоро | Бухоро |
| 47 | Фозилов | Турсунбой | 1-ўрта мактаб | Учкўприк | Фарғона |
| 48 | Исманова | Саодат | 1-ўрта мактаб | Охунбобоев | Андижон |
| 49 | Аҳмедова | Лола | «Парвоз» гимназияси | Фарғона | Фарғона |
| 50 | Ваисова | Гулчеҳра | Урганч университети қошидаги лицей | Урганч | Хоразм |

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ
Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, идиш-товоқ, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва санъат маҳсулотларини таклиф этади.

MAKSIMA АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ
хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.
Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.
Тушликсиз ва дам олиш кунисиз ишлаймиз.
Манзилимиз: Тошкент ш., Қунаев к. (собиқ Сапёрная), 46-уй.
Мўлжал — Миробод бозори.
Тел.: 111-14-44, 152-75-94.
e-mail : maksima_@globalnet.uz
Товарлар сертификатланган.

*Муҳтарам юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари !*
**Шу йилнинг 23 январидан бошлаб**
**ТОШКЕНТ - САМАРҚАНД - ТОШКЕНТ**
**йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.**

***Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Хоҳишингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.***
***Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.***
***Йўловчи поезди катта тезлик билан ҳаракатланиб (автомобиль транспортидан тез), сизларни Самарқандга етказиб, Тошкентга қайтиб олиб келади. Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.***
***Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.***



МАЪЛУМОТЛАР ХИЗМАТИ: **005, 199-72-15.**
ВОКЗАЛ БЎЙИЧА НАВБАТЧИ **199-72-16.**
МАЪМУР **199-76-27.**
Йўловчи поездининг ҳаракатланиш жадвали

| Поезд № | Маълумот | Бошланғич манзилдан жўнаб кетиш вақти | Белгиланган манзилга етиб бориш вақти |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент-Самарқанд | 6:50 | 10:50 |
| 2. | Самарқанд-Тошкент | 17:00 | 21:00 |

**Поезд ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари қатнайди.**
*Сафарингиз мароқли ўтсин!*
«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»ДАТК «ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси Қўмита аъзоси Б. Шодиевага оталари
**АМИН бобонинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт Жамғармаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси
**Пўлат МЎМИН**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси «Фан ва тараққиёт» илмий технологик мажмуаси раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси
**Пўлат МЎМИНнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Марказий банкнинг Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджетини касса ижроси департаменти директори Дилшод Ориповга падари бузруквори
**АЪЗАМ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Иссиқлик электр станцияси жамоаси станция бош муҳандиси
**Лорис Арташесович ЕОЛЬЯНнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Тошнефтгазқурилиш» ОАЖ жамоаси Бошқарув раиси У. Н. Ҳамраевга волидаи муҳтарамаси
**Муборак ая ҲАМРАЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —472. 33413 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшед ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
(Т)-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир —Қ. Эшматов.
Навбатчи — М. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30 23456